

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03./30.12.2019.Тар.02.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ЯРМАТОВ ОЙБЕК ШАЙМАНОВИЧ

**ТУРКИСТОНДАГИ ҲИНД ФУҚАРОЛАРИ ТАРИХИ
(XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИ)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по историческим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on historical sciences**

Ярматов Ойбек Шайманович

Туркистондаги ҳинд фуқаролари тарихи (XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари) 3

Ярматов Ойбек Шайманович

История индийских граждан в Туркестане (второй половине XIX века начало XX века) 23

Yarmatov Oybek Shaymanovich

History of Indian citizens in Turkestan (second half of the 19th century, beginning of the 20th century)..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03./30.12.2019.Тар.02.10 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ЯРМАТОВ ОЙБЕК ШАЙМАНОВИЧ

**ТУРКИСТОНДАГИ ҲИНД ФУҚАРОЛАРИ ТАРИХИ
(XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИ)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2021.1. PhD/Таг882 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Эргашев Бахтияр Эргашевич
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Турсунов Сайпулла Нарзуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор

Қорёғдиев Зуфар Охунжонович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)


Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация химояси Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи PhD. 03./30.12.2019. Тап.02.10 рақамли илмий кенгашнинг 2023 йил «24» 21.06.23 соат 10.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел: (99866) 239-11-40, (99866) 239-18-92; Факс: (99866) 239-11-40. E-mail: rector@samdu.uz).

Диссертация билан Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (5 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел: (99866) 239-11-40, (99866) 239-18-92; Факс: (99866) 239-11-40).

Диссертация автореферати 2023 йил «10» 21.06.23 куни тарқатилди.
(2023 йил «10» 01 даги 3 рақамли реестр баённомаси.)



Исхаков

Исхаков М.М.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тарих фанлари доктори, профессор.

Ирискулов О.Ж.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, (PhD).

Саидов И.М.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тарих фанлари доктори, профессор.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон мамлакатлари ҳозирги глобал ўзгаришлар даврида ўз ҳудудларида турли миллат вакилларининг иқтисодий-ижтимоий, этно-маданий муносабатлар тарихий тажрибасига таянади. Ўрта Осиё ҳудудлари узок тарихий даврлардан қулай ривожланиш имкониятлари туфайли кўплаб миллат вакилларининг ижтимоий-иқтисодий муносабатлари маконига айланган. XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида Туркистоннинг Россия империяси томонидан истило қилиниши ўлканинг ижтимоий, иқтисодий турмуш даражасига ўзгартиришлар киритди. Империалистик давлатлар манфаатлари тўқнашган мамлакатларда турли миллат вакилларининг муносабатлари тарихини ўрганиш ҳозирги давр тарихий тадқиқотларининг долзарб вазифаларига айланмоқда.

Дунё илм фанида миграция жараёнлар таъсирида этник муносабатлар тарихига оид кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Бундай илмий изланишларда миллатларнинг ўзга мамлакатларга кучиб жойлашуви юзасидан турли хил қарашларнинг мавжудлиги, ўрганилаётган муаммо юзасидан тадқиқотларни изчиллаштиришни тақазо этади. Муаммога оид маълумотларни олиш, умумлаштириш, уларни бугунги кундаги Ўзбекистон Ҳиндистон алоқалари доирасида татбиқ этган ҳолда манфаатли ва истиқболли режалар яратиш эҳтиёжи муҳим тадқиқот соҳаси ҳисобланади.

Янги Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва хорижий давлатлар билан ижтимоий-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга бағишланган тадқиқот ишларини ташкил қилиш тарих фани олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Айнан, ўрганилаётган даврда Туркистонда Россия империяси босқини даврида ижтимоий жараёнларда ҳинд фуқароларининг фаолиятини чуқур таҳлил қилиш ва илмий асосларга эга хулосалар чиқариш ҳар иккала давлат ўртасидаги алоқаларни аниқ, изчиллик асосида тадқиқ этиш муҳим тадқиқот вазифаси сифатида диссертациянинг заруратини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 15 ноябрдаги ПФ-5876-сон “Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги фармонлари, 2018 йил 4 октябрдаги ПҚ-3958 сон “Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасидаги стратегик шерикчиликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш чора тадбирлари тўғрисида” ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон фармони асосидаги 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 7-бандининг халқаро ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги вазифалари ва соҳага

доир бошқа бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашда ушбу тадқиқот иши назарий асос сифатида хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация Республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” дастури устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқот жараёнида муаммога оид адабиётлар 4 қисмга бўлиб таҳлил қилинди¹. 1. Мустамлака даврига оид асарлар. 2. Совет даври тадқиқотлари. 3. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган изланишлар; 4. Хорижлик муаллифлар асарлари.

Биринчи гуруҳга оид асарлар, асосан XIX- XX асрлар бошларида Ўрта Осиёга ташриф буюрган сайёҳ, элчилар ҳамда Туркистонда фаолият юритган маъмурлар ва мутахассис олимлар томонидан яратилган бўлиб, Россия империяси босқинидан олдинги ва мустамлака давридаги сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти тарихини ўрганилиши билан ажралиб туради. Унга мисол қилиб Н. Хаников, Е. Мейендорф, А. Хорошхин, П. Пашино, И. Гейер, К.Абаза, А.Дмитриев-Маманов, Семенов-Тянь-Шанский ва бошқаларнинг асарларини кўрсатиш мумкин². Биринчи гуруҳ тарихшунослик ишлари бўйича қисқача хулоса шуки, ушбу даврда яратилган асарларда қўйилган муаммо яхлит ўрганилмасдан бошқа тадқиқотларнинг бир қисми сифатида келтирилган.

Иккинчи гуруҳ адабиётлар совет даврида олиб борилган изланишлар билан боғланиб, Г.Дмитриев, И.Низамутдинов, Н.Халфин, Г.Зогров, Т.Саидқулов ва бошқа муаллифларга тегишли асарлар таҳлил қилинди³.

¹ Мавзунинг тарихшунослик ва манбашунослик таҳлили диссертациянинг биринчи бобида амалга оширилган.

² Ханьков Н.В. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843. – 279 с.; Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – Москва, 1975. – 182 с. // Хорошхин. А.П. Народы Средней Азии. Материалы для статистики Туркестанского края. Вып.3.- СПб., 1874. - С. 117-118.; Хорошхин А.П. Сборник статей касающихся Туркестанского Края. СПб., // Типография и хромофотография А. Траншеля, Стремления №12 1876 .-531 с.; Пашино П.И. Туркестанский край в 1866 году. // Путевые заметки. – СПб., 1868. -176 с.; Гейер И.И. Туркестанъ. –Ташкент, 1909. - 255 с.; Абаза К.К. Завоевание Туркестана. –СПб., 1902.- 242 с.; Дмитриев-Мамонов А. И. Путеводитель по Туркестану и Средне-азиатской железной дороге с историческим очерком сооружений и эксплуатаций Закаспийской военной железной дороги и очерком сооружений Оренбурго-Ташентской дороги. - СПб., 1903.- 452 с.; Семёнов-Тяньшанский В.П. Полное географическое описание. - СПб., Изд.Дервина. 1913. - С. 413.

³ Дмитриев Г.Д. Индийские выходцы в Средней Азии в конце XIX- начале XX вв. ТашГУ, 1965. - С.82.; О русско –индийских политических связях в начале XX в. // Труды ТашГУ, 1966. вып. 287. –С.4; Из истории индийских колоний в Средней Азии (вторая половина XIX- начало XX в.). // Страны и народы Востока. XII. –С.52; Низамутдинов И. Из истории Среднеазиатско индийских отношений.- Издательство Узбекистан. Ташкент, 1969. - 142.с.; Сношения Средней Азии с Индией в XVI— XVIII вв. — Ташкент.: Фан, 1966. - С. 16.; Халфин Н.А. Английская колониальная политика на Среднем Востоке (70-е годы XIX в). – Ташкент.: Изд-во САГУ, 1957. – 251 с.; Политика России в Средней Азии (1857-1868). -М.: Издательство VL 1960.- 272с.; Халфин Н.А. Присоединение Средней Азии к России (60-90 гг.XIX в.). – М.: Наука, 1965. – 468 с.; Россия и Ханства Средней Азии- М., 1974; О Живших Мативах политика России в Средней Азии (60-70-е года XIX века) // История СССР 1972, №4.; Зограф Г. Индийские рукописи из Средней Азии. // Проблемы

Муस्ताқиллик йилларида Ўзбекистоннинг тарих фани соҳасида янги назарий-методологик ёндошувлар асосида ҳамда давлатчилик концепцияси нуқтаи назаридан ишлар яратилди. Жумладан, Туркистон ўлкаси ва протекторатга айланган хонликларнинг мустамлака давридаги ижтимоий-сиёсий аҳволи, иқтисодий ва маданий ҳаёти, шаҳарлар ҳаётидаги ўзгаришлар билан боғлиқ муаммолар тарихи Д. Зияева, Ш. Ғаффоров, Б.Эргашев, Г.Нормуродова, А.Маликов, С.Турсунов, Т.Пардаев, А.Курбонов, Н.Турсунов, Ш.Ҳайитов, К.Раҳмонов, О.Аҳмадов, О.Ирискулов, З.Қорёғдиев, У.Маттиев ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўз аксини топди⁴.

Тўртинчи гуруҳни хориж тарихшунослигида яратилган асарлар ташкил этиб, Э Эверсман, Ҳ Роулсон, К Менон, С. Гаршенина ва бошқа тарихчиларнинг асарларини таҳлил қилишга ҳаракат қилинди⁵. Қисқача қилиб айтганда, хориж тарихшунослигида ушбу масала тадқиқот муаммоси сифатида комплекс равишда тадқиқ этилмаган.

Мазкур тадқиқотларда асосан XIX асрнинг иккинчи ярми–XX аср бошларидаги ҳинд фуқароларининг Туркистонда пайдо бўлиши, бунга таъсир кўрсатган ички ҳамда ташқи омиллар каби қатор масалаларга қисман тўхталиб ўтилган. Аммо, минтақадаги ҳинд фуқароларининг кириб келиш сабаблари, ҳинд фуқароларининг ўлканинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётдаги ўрни масаласига алоҳида, яхлит тадқиқот объекти сифатида қаралмаган. Бу эса ўрганилаётган мавзунинг илмий аҳамиятини белгилайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети

востоковедения, 1960. №1.; Саидкулов Т.С. Самарканд во второй половине XIX – начале XX веков. - Самарканд, 1970. – 253с.; Маликов А. Этническая классификация тюркоязычного населения долины среднего Зерафшана в официальных дискурсах (вторая половина XIX - начала XX вв). Эволюция института власти в древней, средневековой и новой истории Казахстана и сопредельных государств // Материалы международной научно-теоретической конференции. Алматы, 2016. - С. 217-228.

⁴ Зияева Д. Ўзбекистон шаҳарлари XIX асрнинг иккинчи ярми -XX аср бошларида. - Т., 2013. – 338 б.; Ғаффоров Ш.С. Тарих ва тақдир: Россия империясидан Туркистонга кўчирилганлар. (XIX асрнинг иккинчи ярми–XX аср бошлари).- Т.: Фан, 2006.–224. б.; Эргашев Б.Э., Аҳмедов Т. Ҳинд фуқароларининг Туркистондаги ҳаёти ва турмуш тарзи (Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси ҳужжатлари асосида). Ўзбекистон Археологияси журнали. №2(15). Самарқанд. 2017. - Б. 55-60 б.; Нормуродова Г.Б. Социальные страты Самаркандской области в конце XIX начале – XX века: исторический анализ. Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Т., 2011. 34 с.; Нормуродова Г.Б. XIX аср охири ва XX аср бошларида Самарқанд вилояти аҳолисининг ижтимоий стратификацияси - Т.: Yangi nashr, 2013. - 170 б.; Маликов А.М. Этническая классификация тюркоязычного населения долины Среднего Зерафшана в официальных дискурсах (второй половина XIX-начало XX вв.). Материал.международ. науч.-теоретич.конф. Алматы, 2016. - С. 217-228.; Турсунов С.,Пардаев Т., Курбонов А., Турсунов Н.“Ўзбекистон тарихи ва маданияти: Сурхандарё этнографияси”.Ўзбекистон миллий кутубхонаси миллий нашриёти.Т.2006.-276 б.; Ҳайитов Ш., Раҳмонов К., Аҳмадов О. Бухоро ва Бухорийларнинг жаҳоний шухрати. Тошкент. “Наврўз”. 2020. - Б.27; Ирискулов О.Ж. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд шаҳрида ижтимоий – иқтисодий ва маданий жараёнлар.//Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) диссертацияси автореферати.Самарқанд. 2019.-50 б.; Қорёғдиев З.О. Зарафшон воҳаси лўлилари. Илмий ахборатнома. Самарқанд. 2018.№4.; Маттиев. У.Б. XIX аср ўргалари XX аср бошларида Туркистондаги Афғон фуқаролари тарихи. Автореф.Самарқанд.2022.- С.50 .

⁵ Rawlinson. H. England and Russia in the east London 1875.; Menon K S. The “Russian Bogy” and british aggression in India and beyond. Calcutta. 1957.; Гаршенина С.М. Изобретение концепта Средней/ Центральной Азии. – Вашингтон, 2019. - С. 130.; Rawlinson H. England and Russia in the east. The Political and Geographical condition of Central Asia. L. John Murray, Albemarte streen. 1875. - 393 p.

илмий-тадқиқот ишлари режасининг АТД-1 “Ўзбекистон давлатчилиги тарихи: муносабатлар ва қарашлар (2016-2020) ” мавзусидаги тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади XIX аср иккинчи – XX аср бошларида Туркистон генерал-губернаторлигида ҳинд фуқароларининг жойлашуви, яшаш шароити, машғулотларини ёритиш асосида уларнинг минтақа сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрнини кўрсатиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Тадқиқот жараёнига тортилган адабиётлар ва манбалардаги асосий тенденцияларни аниқлаш;

XIX аср иккинчи – XX аср бошларида Туркистон генерал-губернаторлигига ҳинд фуқаролари миграциясининг сабабларини ўрганиш;

Туркистон ва мустамлака маъмуриятининг минтақадаги ҳинд фуқаролари билан муносабатларини ёритиб бериш;

Ҳинд фуқароларининг Туркистон вилоятлари иқтисодий ва маданий ҳаётидаги ўрнини очиқ бериш;

Ўрганилаётган даврда ҳиндларнинг Туркистон ўлкаси сиёсий жараёнларидаги иштирокини тадқиқ этиш;

Туркистондаги ҳинд фуқароларининг диний урф-одатлари ва анъаналарини ёритиш.

Тадқиқотнинг объекти XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистонда яшаган ҳинд фуқароларининг фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқот предмети XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистондаги ҳинд фуқароларининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳалардаги иштироки ташкил қилади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда тарихийлик, муаммовий хронологик таҳлил, қиёсий таҳлил, тизимлаштириш ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида Туркистонда кечган ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнларда Марказий Осиё аҳолиси таркибидаги ҳинд фуқароларининг маҳаллий аҳоли билан ўзаро алоқалари динамикаси очиқ берилган;

Ҳинд фуқароларининг ватанларидаги ижтимоий, сиёсий аҳволининг ўзгаришлари натижасида Туркистонга кириб келиш сабаблари ва ўлкадаги фаолият турлари (савдо-иқтисодий, мавсумий меҳнат фаолияти ва б.) ҳамда уларнинг миллийлигини сақлаб қолиш учун ҳаракатлари (диний маросимлари ва байрамлари ва ҳ.к) ватанларидаги каби бўлганлиги аниқланган;

Ҳинд фуқароларининг ўлкада олиб борган фаолияти Туркистон генерал-губернаторлигининг маъмурияти манфаатларига зид келмаганлиги сабаб ўларга ҳеч қандай чекловларсиз фаолият кўрсатишга берилган рухсат ташқи сиёсий мақсадларни кўзлаб олиб борилганлиги кўрсатиб берилган;

Туркистондаги ҳинд фуқароларининг ўлкада олиб борган савдо-тижорат фаолияти маҳаллий аҳоли хўжалик ҳаётига ижобий таъсир кўрсатганлиги,

ҳозирги даврда ҳам истеъмолда фойдаланаётган атамалар (шакар, мултони ва б.) уларнинг ватанларидаги жойлар топонимикаси билан боғлиқлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Тўпланган маълумотлар мустамлакачилик даври тарихининг Туркистонга доир саҳифаларини бойитиш, ҳудуд аҳолисининг миллий таркибига оид маълумотларни топиш, XIX аср иккинчи – XX аср бошларида ҳинд фуқароларининг минтака сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги ўрнига тааллуқли маълумотларни тўлдиришга хизмат қилади;

Туркистоннинг Россия империяси ташқи сиёсий алоқаларидаги ўрни, хусусан, Ҳиндистон билан олиб борилган дипломатик муносабатлардаги роли асосида давлатлараро алоқаларни амалга ошириш услуб ва воситаларига оид фактлар асослаб берилган;

Россия империясининг Туркистон генерал-губернаторлигидаги ҳинд фуқаролари тарихига оид ҳужжатлар таҳлил қилинган ва гуруҳларга ажратилиб, илмий муомалага киритилган;

XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида гуркираб ривожланаётган иқтисодий тараққиёт ва мустамлакачилик сиёсатининг Ҳиндистон, Ўрта Осиё каби ҳудудларда қўлланилиши ҳамда амалиётга татбиқ этилиши услуб ва воситаларига доир маълумотлар очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Диссертацияда Туркистондаги ҳинд фуқаролари фаолияти тарихига доир қўйилган масалалар мазмунини очиб беришда Ўзбекистон Республикаси Миллий архивининг бир катор фондлари, расмий ҳужжатлар, тарихий асарлар, статистик тупламлар, даврий матбуот нашларидан фойдаланилганлиги, ушбу мавзуга доир хорижий адабиётларнинг таҳлил қилинганлиги, ижтимоий-гуманитар фанлар вакилларининг илмий изланишларидан фойдаланилган. Шунингдек, тадқиқот натижалари республика ва хориж илмий нашрларида, конференцияларда муҳокама қилинган. Диссертация натижаларининг ишончилиги келтирилган маълумотларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот изланиш натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, минтакадаги ҳинд фуқаролари фаолиятини жойлашган ҳудудлари бўйича қиёсий тадқиқ этиш, ҳиндларнинг Туркистондаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий жараёнларга таъсирини ўрганиш, XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида юз берган сиёсий жараёнлар ва ижтимоий ҳаёт тарихини ёритишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, Туркистоннинг Россия мустамлакачилиги даври тарихини ўрганишда, тарихий билимларни ривожлантиришда, олий ва ўрта махсус таълим тизимидаги ўқув муассасаларининг ижтимоий-гуманитар йўналишларида мустамлака даври бўйича махсус курслар ташкил этишда, Ўзбекистон тарихига доир ўқув қўлланма ва дарсликларни янги маълумотлар асосида бойитишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот давомида қўлга киритилган илмий назарий маълумотлардан, хусусан, Туркистонда яшаган ҳинд фуқароларининг урф-одатлари ва маданий ҳаётига оид маълумотлар ва уларнинг ўлкадаги савдо-иқтисодий, мавсумий меҳнат фаолияти ҳамда миллийлигини сақлаб қолиш учун ҳаракатлари, диний маросимлари ва байрамлари базасидан Самарқанд давлат музей кўриқхонасида илмий ахборот сифатида фойдаланилди. (Самарқанд давлат музей кўриқхонасининг 2022 йил 18- октябрдаги 259-сонли маълумотномаси ва Ўзбекистон Республикаси Туризм ва Маданий мерос вазирлиги ҳузуридаги маданий мерос агентлигининг 2022 йил 26-октябрдаги 02-01/3486-сонли маълумотномаси). Натижада ҳиндларнинг Туркистон ва унинг шаҳарларига кириб келиш сабабларига оид маълумотлар, ҳиндларнинг минтақага кириб келиш йуллари тасвирланган хариталар, Туркистон шаҳарларидаги ҳиндларнинг рўйхати ҳамда уларнинг бу ҳудуддаги машғулотларига оид маълумотлар маданий мерос агентлиги ҳузуридаги музейлар фонди ва уларнинг илмий архивларига топширилди. Тадқиқот илмий хулосалари сифатида тақдим этилган маълумотлар музей-кўриқхона тизимидаги Ўзбекистон тарихига доир экспозицияларнинг экскурсия матнларини бойитишда ҳамда ҳужжатлар фондидаги XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларига оид коллекцияларни илмий таҳлил қилишда хизмат қилган.

XIX иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистонда ҳинд фуқаролари тарихига оид илмий натижалар асосида XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида Туркистондаги ҳинд фуқароларининг Марказий Осиё аҳолиси таркибида мавжудлиги ҳамда уларнинг маҳаллий аҳоли билан ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнларда ўзаро алоқада бўлганлиги ҳақидаги илмий янгиликлардан ЎзМТРК “O’zbekiston tarixi” телеканалда эфирга узатилган “Тақдимот” кўрсатувининг сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (ЎзМТРК “O’zbekiston tarixi” телеканалининг 2022 йил 18 октябрдаги 02-31-1756 сонли маълумотномаси). Тақдим этилган маълумотлар Марказий Осиёдаги ҳиндларнинг фаолиятини ўрганишда, шунингдек, инглиз-рус рақобати ва аҳолининг этник таркибидаги ўзгаришларга оид илмий-тарихий маълумотларни кенг жамоатчиликка етказиб беришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та илмий конференция ва семинарларда, шундан 2 та халқаро конференцияда, жумладан, Германия (Берлин, 2020), Ҳиндистон (Ҳиндистон, 2021) ҳамда 3 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш эълон қилинган. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациясининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та, хусусан, республика журналларида 7 та ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 134 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш. Диссертациянинг кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблигига асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган; тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган; тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши ва апробацияси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Туркистондаги ҳинд фуқаролари тарихини ўрганилиши ва мавзунинг манбавий таҳлили”** деб номланиб, Мустамлака даври, совет даври, мустақиллик даври ва хорижий тарихшунослик қисмларига бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланди.

Мустамлака даври тарихшунослиги. Мустамлака даври тарихшунослигида Туркистондаги ҳинд фуқаролари тарихининг бевосита тадқиқот даврига оидлиги унинг қийматини белгилаб беради.

Ушбу давр тарихшунослигини ёритишда Н.Хаников, Е.Мейендорф, А.Хорошхин, П.Пашино, И.Гейер, К.Абаза, А.Дмитриев-Маманов, Семенов-Тян-Шанскийларнинг асарларидан фойдаланилди⁶.

Мустамлака даври тарихшунослиги асарларида ҳиндларнинг яшаш тарзи, урф одати ва маданияти⁷, уларнинг ўлкадаги фаолиятида ҳатто ўз ширкатларига эга бўлганлиги⁸, шунингдек, Туркистонда Афғонистон ва Эрон билан бир қаторда Ҳиндистондан келган ҳинд талабалари ҳам ўқиганлиги ва яхши таълим олган талабаларга моддий ёрдам кўрсатилганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд⁹.

⁶ Ханьков Н.В. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843. – 279 с.; Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – Москва, 1975. – 182 с.; Хорошхин А.П. Народы Средней Азии. Материалы для статистики Туркестанского края. Вып.3. СПб, 1874. - С. 117-118.; Хорошхин А.П. Сборник статей касающихся Туркестанского Края. СПб., Типография и хромофотография А. Траншеля, Стремления №12 1876. - 531 с.; Пашино П.И. Туркестанский край в 1866 году. Путевые заметки. – СПб., 1868. -176 с.; Гейер И.И. Туркестанъ. -Ташкент. 1909. - 255 с.; Абаза К.К. Завоевание Туркестана. – СПб., 1902.- 242 с.; Дмитриев-Мамонов А. И. Путеводитель по Туркестану и Средне-азиатской железной дороге с историческим очерком сооружений и эксплуатаций Закаспийской военной железной дороги и очерком сооружений Оренбурго-Ташентской дороги. - СПб., 1903.-452 с.; Семёнов-Тяньшанский В.П. Полное географическое описание. - СПб., Изд.Дервина. 1913. - С.413.

⁷ Гейер И.И. Туркестанъ. - Ташкент. 1909. - С.10,167,37.; Семёнов-Тяньшанский В.П. Полное географическое описание. - СПб., Изд.Дервина. 1913. - С.413.; Хорошхин А.П. Народы Средней Азии. Материалы для статистики Туркестанского края.Вып.3. - СПб., 1874. - С.117-118.; Хорошхин А. П. Сборник статей, касающихся Туркестанского Края. СПб., Типография и хромофотография А. Траншеля, Стремления №12 1876. - 531 с.

⁸ Дмитриев-Мамонов А. И. Путеводитель по Туркестану и Средне-азиатской железной дороге с историческим очерком сооружений и эксплуатаций Закаспийской военной железной дороги и очерком сооружений Оренбурго-Ташентской дороги. - СПб., 1903. - 452 с.

⁹ Абаза К. К. Завоевание Туркестана. - СПб., 1902. - С. 110.

Совет даври тарихшунослиги. Ушбу даврда ўрганилаётган муаммо бўйича асосий изланишларни олиб борган олимлардан бири Г.Д. Дмитриев ҳисобланади¹⁰. Олим ҳинд фуқароларининг Туркистонга кириб келиши ҳақида тўхталиб, Муҳаммад Юсуф Муншийнинг “Тарихи Муқимхоний” асарига таянган ҳолда, Ўрта Осиёдаги йирик ҳинд аҳолисининг яшаш жойлари XVII асрда пайдо бўлганлигини таъкидлаб ўтган¹¹.

Кейинги йилларда Ҳиндистон ва Ўрта Осиё халқлари ўртасидаги дўстона алоқалар тарихини ўрганиш масаласида муҳим қадамлар қўйилган. Бу борада бир қатор олимлар илмий изланишлар олиб борганлар. Улар қаторига А.Рустамов, Н.Халфин, М.Эрматов, Р.Рой, Г.Зогроф¹² ва бошқа олимларни қўшишимиз мумкин. Улар ўз илмий изланишларида нафақат Ҳиндистон ва Ўрта Осиё муносабатлари, Ўрта Осиёда Россия империясининг мустамлакачилик сиёсати, XIX асрда ҳинд фуқароларининг бу ҳудудда пайдо бўлиши ва Туркистондаги ҳинд фуқароларининг мустамлака маъмурияти билан муносабатларини ёритиб беришга ҳаракат қилган.

Мавзунинг мустақиллик даври тарихшунослигида ёритилиши. Мамлакатимиз ҳудудига ҳинд фуқароларининг кириб келиши ёки уларнинг фаолияти бўйича махсус тадқиқотлар ўтказилмаган. Ўтказилган тадқиқотлар ҳам кўпроқ сиёсий фаолият билан боғлиқ бўлиб, этнографик жиҳатлари камдан-кам ҳолатда инобатга олинган. Мустақилликка эришишимиз муносабати билан ушбу жараёни ўрганишга эътибор килина бошланди. Натижада Туркистоннинг мустамлака давридаги ижтимоий- сиёсий аҳволи, иқтисодий ва маданий ҳаёти, шаҳарлар ҳаётидаги ўзгаришлар, ўлкадаги этно-маданий жараёнлар билан боғлиқ муаммолар тарихи Д. Зияева, Ш. Ғаффоров, Б.Эргашев, Г.Нормуродова, А.Маликов, С.Турсунов, Т.Пардаев, А.Курбонов, Н.Турсунов, Ш.Ҳайитов, К.Раҳмонов, О.Аҳмадов, О.Ирисқулов, З.Қорёғдиев, У.Маттиев ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўз аксини топди¹³.

¹⁰ Дмитриев Г.Д. Индийские выходцы в Средней Азии в конце XIX- начале XX вв. 1965. - С.82; О русско – индийских политических связях в начале XX в. Вып.287. - ТашГУ. 1966. – С. 126-130; Из истории индийских колоний в Средней Азии (вторая половина XIX- начало XX в.). // Страны и народы Востока. XII. - М., 1972. - С.234-246.

¹¹ Муҳаммад Юсуф Мунший. Ханская история. - Ташкент., 1956. - С.16-84.

¹² Қаранг: Рустамов У.А. К истории изучения экономических, политических и культурных связей между народами Индии и Средней Азии.//Труды института востоковедения АН УзССР. - Ташкент. 1955. Вып.4.; Халфин Н.А. Английская колониальная политика на Среднем Востоке (70-е годы XIX в). – Ташкент: Изд-во САГУ, 1957. –251 с.; Политика России в Средней Азии (1857-1868). - М.: Издательство VL 1960,-С.111; Халфин Н.А. Присоединение Средней Азии к России (60-90 гг.XIX в.). – М.: Наука, 1965. – 468 с.; Россия и ханства Средней Азии. М.,1974; О Живших Мативах политика России в Средней Азии (60-70-е годе XIX века) // История СССР 1972 №4; Провал Британской агрессии в Афганистане (XIX –начало XX века) - М.1959.; Эрматов М.М. Некоторые вопросы истории культурных связей народов Индии с Советским народом.//Ученые записки Ташкентского педагогического института. - Ташкент. 1957. Вып.6; Р Ч Рой Посольство Баба Рам-Синха в Русский Туркестан 1879 г. // Проблемы востоковедения, 1959. №4; Зограф. Г. Индийские рукописи из Средней Азии. // Проблемы востоковедения, 1960. №1.

¹³ Зияева Д. Ўзбекистон шаҳарлари XIX асрнинг иккинчи ярми -XX аср бошларида. - Т., 2013. – 338 б.; Ғаффоров Ш.С. Тарих ва тақдир: Россия империясидан Туркистонга кўчирилганлар. (XIX асрнинг иккинчи ярми–XX аср бошлари).- Т.: Фан, 2006.–224. б.; Эргашев Б.Э., Ахмедов Т. Ҳинд фуқароларининг Туркистондаги ҳаёти ва турмуш тарзи (Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси ҳужжатлари асосида). Ўзбекистон Археологияси журнали. №2(15). Самарканд. 2017. - Б. 55-60 б.; Нормуродова Г.Б. Социальные страты Самаркандской области в конце XIX начале – XX века: исторический анализ. Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Т., 2011. 34 с.; Нормуродова Г.Б. XIX аср охири ва XX аср бошларида Самарканд вилояти аҳолисининг ижтимоий стратификацияси - Т.: Yangi nashr, 2013. - 170 б.; Маликов А.М. Этническая

Ушбу тадқиқотларда ўзаро алоқаларнинг айрим жиҳатлари очиб берилган бўлса-да, ҳиндларнинг минтақадаги фаолияти яхлит ҳолда ўрганилмаган.

Мустақиллик йилларида яратилган аксарият дарслик ва ўқув кўлланмаларда ҳам Туркистонда ҳинд муҳожирларининг мавжудлиги ва уларнинг минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида фаол бўлганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган¹⁴.

Хориж Тарихшунослиги. Мазкур тадқиқот ишимизни аниқ ва ҳолисона ёритиш учун хориж тарихшунослигига ҳам мурожаат қилиш муаммони ўрганилишига жалб этилган маълумотларни танқидий таҳлил қилиш имконини беради. Хориж тарихшунослигида тадқиқот ишимизга алоқадор маълумотларни Е.Эверсман, Браун, Ҳ.Роулисон, К.Менон, Ҳ.Лансдел С.Гаршинина¹⁵ларнинг асарларида учратиш мумкин. Хориж тарихшунослигида инглиз-рус рақобатидаги ҳинд фуқароларини иштирокини ёритишда инглиз шарқшунослари Роулисон ва Менон¹⁶нинг асарларини келтириш мумкин. Хориж тарихшунослиги асарларида ҳинд фуқаролари тарихига асосан иқтисодий-сиёсий томондан эътибор қаратилиб, маданий ва бошқа томонларига етарлича эътибор қаратилмаган.

Тадқиқот натижаларини ишончлилик даражасини таъминловчи асосий маълумотлар базаси манбашунослик ҳисобланади. Ўтказилган илмий тадқиқот ҳулосаларидан ва илмий изланишга жалб қилинган манбаларни даврийлик, илмийлик, тарихийлик, статистик нуқтайи назардан гуруҳларга бўлган ҳолда таҳлил қилиш ва уларни кенг тадқиқотчилар оммасига етказиб бериш учун тўпланган маълумотларни гуруҳларга тақсимлаган ҳолда келтириш манбашуносликнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Шу сабабли тадқиқот жараёнида тўпланган маълумотлар қуйидагича тақсимланди. 1) Мустамлака даври манбалари (расмий ҳужжатлар ва статистик тўпламлар), 2) даврий нашрлар, 3) маҳаллий тарихчиларнинг асарлари.

Мустамлака даври манбалари таҳлили. XIX аср охири XX аср бошларида Туркистондаги ҳинд фуқаролари тарихига оид манбаларнинг асосий қисмини бугунги кунда Ўзбекистон миллий архиви фондларида

классификация тюркоязычного населения долины Среднего Зерафшана в официальных дискурсах (второй половина XIX-начало XX вв.). Материал.международ. науч.-теоретич.конф. Алматы, 2016. - С. 217-228.; Турсунов С.,Пардаев Т., Курбонов А., Турсунов Н.“Ўзбекистон тарихи ва маданияти: Сурхандарё этнографияси”.Ўзбекистон миллий кутубхонаси миллий нашриёти.Т.2006.-276 б.; Ҳайитов Ш., Раҳмонов К., Аҳмадов О. Бухоро ва Бухорийларнинг жаҳоний шухрати. Тошкент. “Наврўз”.2020.-Б.27.; Ирискулов О.Ж. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд шаҳрида ижтимоий – иқтисодий ва маданий жараёнлар.//Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) диссертацияси автореферати.Самарқанд. 2019.-50 б.; Қорёғдиев З.О. Зарафшон воҳаси лўлилари. Илмий ахборатнома. Самарқанд. 2018.№4.; Маттиев. У.Б. XIX аср ўрталари XX аср бошларида Туркистондаги Афғон фуқаролари тарихи. Автореф.Самарқанд.2022.- С.50 .

¹⁴ Содиков Ҳ., Жураев Н. Ўзбекистон тарихи. Туркистон чоризм мустамлакачилиқ даврида. – Тошкент: “Шарк”. - 2011. - С.276

¹⁵ Rawlinson. H. England and Russia in the east London 1875; K S Menon The “Russion Bogy” and british aggression in India and beyond. Calcutta. 1957; Lansdel.H. Russian Central Asia. London.1885. 100.p.; Гаршенина С.М. Изобретение концепта Средней/ Центральной Азии. – Вашингтон, 2019. - С. 130.

¹⁶ Rawlinson H. England and Russia in the east. The Political and Geographical condition of Central Asia. L. John Murray, Albemarte streen. 1875. - 393 p.; Menon K S. The “Russion Bogy” and britsh aggression in India and beyond. Calcutta.1957.

сақланаётган мавзуга оид фонд материаллари ташкил этади¹⁷. Унга кўра нафақат ҳинд фуқароларининг Туркистонда яшаганлиги, балки уларни минтақага келиб қолиш сабаблари, кириб келиш йўллари ҳақидаги маълумотлар ўрганилди. Ҳиндлар дастлаб Афғонистон, кейинчалик Эрон ва Туркменистон орқали, лекин бу йўллардаги тўсиқ ва қийинчиликлар сабабли уларнинг ташаббуси билан Каспий темир йўлида юк ташишга рухсат берилгандан сўнг темир йўли орқали кириб келганлиги аниқланди¹⁸. XIX асрда Ўрта Осиё ва Ҳиндистон муносабатлари доирасида Россия империяси ҳукмронлиги даврида бир қатор манбалар яратилди. Ушбу манбаларнинг асосий қисмини рус ва инглиз сайёҳлари, элчилари ҳамда дипломатларнинг ҳисобот шаклидаги маълумотлари ва тарихчиларнинг мавзуга оид асарлари ташкил этади¹⁹. Бу манбаларда Ўрта Осиёдаги ҳиндларнинг аксарияти шакарпурлик эканлиги ва уларнинг айримлари Туркистонга муҳтожлик орқасидан келганлиги²⁰, XIX аср бошларида Ўрта Осиёда ҳинд карвонсаройлари мавжудлиги, бу ерда ҳиндлар яшаганлиги ҳамда карвонсаройларда ватанларидаги каби диний маросимларни ўтказганликлари²¹, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Туркистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам ҳиндларнинг мавжудлиги²², Зарафшон округида яшаган ҳиндларнинг ижтимоий аҳволи ва йиллик даромадлари ҳақида маълумот, шунингдек, ҳинд фуқароларининг даромадларини маҳаллий аҳолининг даромадлари билан таққослашга ҳаракат қилганлиги келтирилган²³.

Статистик маълумотлар. Тадқиқот жарёнига манба сифатида жалб қилинаётган статистик маълумотлар мавзуни ўрганишда муҳим ҳисобланади.

1886 йил 12 июнда Туркистон ўлкасининг бошқаруви тўғрисидаги низомнинг 55-бандига биноан 1887 йил 1-октябрдан Туркистон статистика

¹⁷“И-1”(Туркистон генерал губернаторлик маҳкамаси ҳужжатлари); “И-2” (генерал губернатор дипломатия ишлари амалдори ҳужжатлари); “И-3” (Бухоро сиёсий агентлиги фондлари); “И-5” (Зарафшон округи бошлиғи маҳкамаси иш юритиш ҳужжатлари); “И-17” (Сирдарё вилояти бошқарма бошлиғи ҳужжатлари); “И-18” (Самарқанд вилояти бошқарма бошлиғи ҳужжатлари); “И-19” (Фарғона вилояти бошқарма бошлиғи ҳужжатлари); “И-20” (Самарқанд уезд бошқармаси бошлиғи ҳужжатлари); “И-22” (Самарқанд вилояти Каттақурғон уезди бошлиғи ҳужжатлари), //“И-23” (Фарғона вилояти Скобелов уезди бошлиғи ҳужжатлари); “И-36” (Тошкент шаҳар бошлиғи ҳужжатлари); “И-47” (Генерал-губернаторлик таълим муассасаларини бошқариш иш юритиш ҳужжатлари); “И-469” (Тошкент шаҳар ярмара кометети ҳужжатлари); “И-471” (Туркистон генерал-губернаторлиги иктисодий алоқалар бўлими иш юритиш ҳужжатлари).

¹⁸ Ўз.МА, И 1-Фонд, 34-рўйхат, 3326-иш, в.10.; Ўз.МА, И 1-Фонд, 34-рўйхат, 714-иш, в.1.; Ўз.МА, И 1-Фонд, 34-рўйхат, 3714-иш, в.1,2.

¹⁹ Борнс А. Путешествие в Бухару. Ч.1. Москва. 1848.; Ханьков Н. Описание Бухарского ханства. Санктпетербург, Въ Типографии Императорской Академии Наукъ, 1843. - С.245.; Небольсин П.И. Очерки торговли России с Средней Азией.записки Императорского Русского Географического общества. Кн. X. Санктпетербург., 1855.; Костенко Л.Ф. Путешествие в Бухару русский миссии в 1870 году.(Съ подробнымъ маршрутомъ отъ ташкента до Бухаро) С-Петербург. Типография А. Моригеровскаго, Троицкий переулак, дом Гассе. 1871. - 107 с.

²⁰ Небольсин П.И. Очерки торговли России с Средней Азией. записки Императорского Русского Географического общества. Кн. X. Санктпетербург. 1855. - С.324.

²¹ Борнс А. Путешествие в Бухару. Ч.1. Москва, 1848. - С. 406

²² Хорошхин А.П. Народы Средней Азии. Материалы для статистики Туркестанского края. Вып.3.-СПб., 1874. - С. 117-118.; Хорошхина А П Сборникъ статей касающихся Туркестанскаго Края С-петербург. Типография и хромалитография А. Граншеля, Стремлянина №12. 1876. -531 с.

²³ Арандаренко Г.А.“Досуги в Туркестане (1874-1889) ” –Санкт-Петербург.:Типография М.М. Стасюлиевич, 1889. - С.349. Бу ҳақида тадиқотимизнинг асосий қисмида батафсил маълумот берилган.

қўмитасининг вилоятлар буйича йиллик ҳисоботлари нашр қилина бошланди, ушбу тўпламларда Туркистон ва унинг шаҳарларида ҳинд фуқаролари яшаганлиги тасдиқланди. Фақат статистик маълумотлар ўлкада яшаган халқларнинг сони ёки улар ҳақида тор доирадаги маълумотлар билан чегараланади²⁴. XIX асрнинг 80 йилларига келиб Каспийорти вилоятида, XIX аср 90 йилларининг бошларида Сирдарё вилоятида, XIX аср 90 йилларининг охирларида Самарқанд, Еттисув ва Фарғона вилоятларида “Шарҳномалар” тузила бошлади, бу тўпламлар ҳам Туркистондаги ҳинд фуқаролари тарихини ўрганишда муҳим манбалардан ҳисобланади. “Шарҳнома”лардаги маълумотлар асосан статистик маълумотлардан иборат бўлиб, вилоятлардаги халқларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий статистикаси шаклида қайд этилган. Масалан, Фарғона вилояти шарҳномасида вилоятда рўйхатга олинган ҳиндлар сони ва ҳудудда яшаган барча миллатларнинг вилоят тиббиёт бўлимига тиббий хизматдан фойдаланиш учун қилинган муурожаатлари миллатлар кесимида таҳлил қилинганлиги келтирилган²⁵.

Даврий матбуот материаллари. Туркистоннинг XIX аср иккинчи ярми XX аср бошлари тарихини ўрганишда яна бир муҳим манбалардан бири уша даврнинг даврий матбуот нашрлари, хусусан, “Туркестанский ведомости” газетаси ҳисобланади²⁶. А.Хорошхин газета саҳифаларида Туркистондаги ҳиндлар этнографиясига оид қуйидаги маълумотларни келтирган. Ҳиндларнинг ҳар бири ўзларига тегишли қошиқ ва идишлардан фойдалангани, уларни ҳатто ўз яқинларига ҳам бермаганлиги, бошқа дин вакиллари уларнинг идиш товоқларига тегинса, у ҳаром ҳисобланган²⁷.

Маҳаллий тарихчиларнинг асарлари. Маҳаллий тарихчилар томонидан XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида яратилган асарлар, айнан, Туркистондаги ҳинд фуқаролари тарихига бағишланган бўлмаса-да, Ўрта Осиё хонликларини аҳолисининг этник таркиби, уларда кечган демографик, этномаданий ва этноинтеграцион жараёнларда иштирок этган кам сонли миллатларнинг фаолияти ҳақида маълумотлар мавжуд²⁸.

Тадқиқотнинг “**Ҳинд фуқароларининг Туркистонга кириб келиш сабаблари ҳамда уларнинг Туркистон маъмурияти билан муносабатлари**” деб номланган иккинчи бобида ҳинд фуқароларининг Ўрта Осиёга кириб келиш сабаблари ва Туркистон ва мустамлака маъмуриятининг ўлкадаги ҳинд фуқаролари билан муносабатлари таҳлил этилган. Ҳиндларнинг Туркистонга кириб келишига сабаблар қуйидагилардир.

²⁴ Обзорь Ферганской области за 1888 год... -С.13

²⁵ Обзорь Ферганской области за 1888 году... -С.13

²⁶ Туркестанские ведомости. 1880, №47.

²⁷ Туркестанские ведомости. 1872, №44.

²⁸ Мухаммад Юсуф Мунший. Ханския история. - Ташкент., 1956. - С. 16-84.; Қайюмов П. Хуканд тарихи ва унинг адабиёти. - Қўкон., 1990. 1 дафтар. - Б.154; Мирзо Олим Махмуд Хожи.Тарихи Туркестан / Пер. и коммент. Ш. Вохидова. – Ташкент: Янги аср авлоди, 2008. –С.152.; Аъзам Хошимий. Самарқанду Бухорининг қонли кечинмалари. Абу Хофиз Туркистоний таржимаси. 1999. - Б.30.; Мухаммад Амин Бухорий. Убайдуллонама. Перевод.А.А. Семёнова. Ташкент. Наука., 1957г. - С.225-226.

Биринчидан, бизга маълумки, Ҳиндистон ва Ўрта Осиё алоқаларининг бошланиши иқтисодий алоқаларга бориб тақалади²⁹. Рус товарларининг Ҳиндистонда, аксинча ҳинд товарларининг Россияда сотилганлиги ҳақидаги маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, Россия ва Ҳиндистон ўртасида тўғридан тўғри алоқа бўлмаган, икки ўртадаги муносабатларда Ўрта Осиё хонликлари васитачилик қилган деган хулосага келиш мумкин.

Ҳинд фуқароларининг Туркистонга кириб келишининг **иккинчи сабаби**, судхўрлик ҳисобланади³⁰.

Учинчи сабаб, Ҳиндистоннинг инглизлар томонидан эгалланиши натижасида хонавайрон бўлган ҳунармандлар ва деҳқонлар мавсумий иш излаб Ўрта Осиёга келишига сабаб бўлди³¹. XX аср бошларида Туркистонда яшаган ҳиндлар орасида ишчи синф вакиллари ҳам мавжуд бўлган. 1903-1915 йилларда Туркистон ҳукумати бир қанча мардикорларга Туркистонда яшашга рухсат берган. Гопал Манг 1903 йил Самарқандда, Гидимал Харамал 1908 йил Андижон туманида, Тулсамал Матумалиев 1914 йил Наманганда яшашга рухсат олган, Тритмал Кешанамалиев ва Канямал Далиамалиев 1915 Андижон туманида яшашга рухсат олган, эътиборли жиҳати ушбу шахсларнинг деярли барчаси ҳинд капиталистларига тегишли корхоналар бўлган жойларда яшашга рухсат олган³².

Тўртинчи сабаб, Туркистондаги ҳиндлар орасида камбағал тиланчилари ҳам мавжуд бўлган. 1875 йил Тошкентда 5 та тиланчилик билан шуғулланувчи ҳинд яшаган. Бу тоифадаги ҳиндлар Самарқанд вилояти Каттакўрғон тумани Пайшанби ва бошқа ҳудудларида ҳам топилган³³.

Бешинчи сабаб, Туркистонга келган ҳиндлар орасида таълим олиш мақсадида келган ҳиндлар ҳам мавжуд бўлган. Ҳиндистонлик Бахриддин исмли мусулмон савдогари Амир Ҳайдар даврида Бухорода мадраса қурдирганлигини кўриш мумкин³⁴.

Олтинчи сабаб, Ҳиндлар сиёсий мақсадда ҳам Туркистонга келишга ҳаракат қилган. Уларнинг аксарияти инглиз жосуслари, Англия зулмидан озод булиш мақсадида Россиядан ёрдам сўраб келган элчи ёки Ҳиндистондаги сиёсий беқарорлик оқибатида келиб қолган ҳиндлар ҳисобланади³⁵.

Еттинчи сабаби, аксарият ҳиндлар рус илмий экспедицияси таркибида Ўрта Осиёни ўрганишда иштирок этган. Улардан бири Рамчандр кўплаб рус олимлари, хусусан, географ Семёнов Тяньшанский, индолог Минаев, санскритолог Коссович, табиатшунос Григорев ва бошқалар учрашган ҳамда

²⁹ Амиров Г. Странствование Габайдуллы Амирова по Азии. //Азиатский вестник. - СПб., 1825. №1-6. -С. 110.

³⁰ Бёрнс А. Кабул- путевые записки сэра Александра Бёрнса В 1836;1837; И 1838 годах. Ч.I. - М. 1847. - С. 41-42.

³¹ Айний С. Бухара - Москва. 1957. КН 3. - С. 48.

³² Ўз.МА, И 1-Фонд, 32-рўйхат, 213-иш, в. 268-306 .

³³ Ўз.МА, И 17-Фонд, 1-рўйхат, 385-иш, в. 6,9..

³⁴ Мирзо Олим Махмуд Хожи Тарихи Туркестан. Пер. и коммент. Ш.Вохидова. – Ташкент: Янги аср авлоди, 2008. – 244.- с.189

³⁵ Халфин Н.А. “Политика России в Средней Азии (1857-1868)”.М.Издательство VL. 1960г. - С.70.

1887 йил Самара экспедицияси таркибида Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат қилиб, Экспедиция раҳбарияти номидан у Аму-Узбой каналини мустақил очган³⁶.

